

**Ўлим жазоси бекор қилиниши – муҳим
ижтимоий воқелик**

Кишилиқ жамиятида узоқ ўтмишдан буён жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида (2005 йил 28 январь) Президент Ислом Каримов: “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир”, деб уқдирган эди. Шукурки, ўлим жазосини бекор қилиш мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаси сифатида узил-кесил ҳал этилди.

Ўлим жазоси назарда тутилган давлатларга халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бир қатор тавсиялар берилган. Хусусан, “Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари” (БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йил 5 майда маъқуллаган) ва “Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари” (Кенгаш 1989 йил 24 майда тавсия этган) номли асосий халқаро ҳужжатларда қуйидаги муҳим қоидалар мавжуд:

- ўлим жазоси тақиқланмаган мамлакатларда бу жазо фақат энг жиддий жиноятлар учун, агар уларнинг оқибатида ўлим ёхуд фавқулодда оғир ҳолатлар юз берган бўлса қўлланиши мумкин;

- жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ўлим жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқариш, бундай жазони ҳомиладор ёки яқинда она бўлган аёлларга, шунингдек, ақли норасоларга нисбатан ижро қилиш тақиқланади;

- ўлим жазосини тайинлаган суд айбсизлик презумпцияси, тортишув, далилларга ҳолисона баҳо бериш, ҳимоя ҳуқуқини тўла таъминлаш каби демократик тамойилларга сўзсиз риоя қилиши шарт;

- ўлимга маҳкум этилган шахсга апелляция ва афв тартибидан фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар таъминланиши лозим;

- қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларини қўллаш қатъиян ман этилади.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам бир қатор қарорларида ўлимга маҳкум этилганлар сақланадиган камералардаги шароитлар инсонга қийноқ бериш тарзида аянчли экани ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисида Европа конвенциясининг (1950 йил) 3-моддасида бундай қийноққа солиш тақиқлангани эслатилади. Шу сабабли, ўлим жазосини қўллаш жараёни ҳам жиддий қийноқдан иборат деб таъкидланади.

Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини тўла топган. Конституциямизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти –

* юридик фанлари доктори, профессор.

олий қадрият, 24-моддасида яшаш ҳуқуқи – инсоннинг узвий ҳуқуқи экани алоҳида таъкидланган. Унда ўлим жазоси қўлланиши назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодекси 33 турдаги жиноят учун ўлим жазосини назарда тутар эди. Мустақилликка эришгач, қабул қилинган Жиноят кодексида бундай жиноят турларидан фақат 13 таси қолдирилди. Улар тобора камайтириб борилди: 1999 йилдан – 8 хил, 2001 йилдан – 4 хил, 2003 йилдан – 2 хил жиноят учун - фақат айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин эди. Эндиликда бу жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилди.

“Халқаро амнистия”нинг ахборотида қуйидаги рақамлар эълон қилинган:

- ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар -80;
- фақат алоҳида ҳолларда (ҳарбий жиноятлар учун) бу жазо сақланган мамлакатлар – 15;
- қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлса-да,, кейинги ўн йил давомида жазо ижро қилинмаган мамлакатлар -23;
- йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар -78.

Маълумки, жиноятчиликка қарши жиддий кураш чораси сифатида ўлим жазоси узоқ ва ўта мураккаб тарихга эга. У баъзи мамлакатларда турли йилларда жуда кенг қўлланилган.

Ўлим жазоси қадимда “қонга-қон, жонга-жон” тамойилининг ифодаси тарзида, қасос олиш, хун талаб қилишнинг воситаси бўлган. Ҳар бир қабила, уруғ ёки хонадон ўзининг аъзоси ўлдирилгани учун бошқалардан тавон олиши муқаррар ҳисобланган. Ҳатто бировни ўлдиришга қасд қилган, баданига шикаст етказган, мол-мулкни тортиб олган, обрўсига путур етказган айбдор ҳам аксарият ҳолларда ўлдирилиши удум бўлган. Айрим ҳоллардагина айбдор тан жазосига, қўли, оёғи, кўзи, қулоғи, бурни, тили каби аъзоларини кесиш, калтаклаш, тошбўрон қилиш каби жазоларга маҳкум қилинган. Бу хил жазолар айбдорни ҳам, унинг қавм-қариндошларини ҳам кўркитиш, адабини бериш мақсадларида қўлланган. Акс ҳолда жабрланувчи ва унинг яқинлари ўзларини адолатсиз камситилган, ҳақоратланган деб ҳис қилганлар. Айбдорни асрга олиб ишлатиш ва қамаш жазолари тарихан кейинроқ “иждо” этилган.

XVIII-XIX асрларда Оврўпада хуруж қилган инквизиция (қидирув) фақат жиноятчига эмас, ҳар қандай ғайридин шахсларга қарши ваҳшиёна қийноқлар воситасида курашган. Черков ходимлари ўлим жазосининг уч юзга яқин турларини “кашф” қилишган. Ўлим ва турли-туман тан жазоларини ҳокимлар ва йирик зодагонлар ҳеч бир суд-тафтиш ўтказмай, ўзбошимча қўллаши узоқ йиллар давомида одат тусига кириб қолган. Шарқ мамлакатларида ўлим жазосини кўпинча шоҳ, амир, хоннинг рухсати билан шаҳарнинг катта майдонида олиш, бошини танасидан жудо қилиш усулида намоишкорона ижро этилган.

Россияда ҳам ўлим жазоси жуда кенг қўлланган. Жумладан, 1649-йилдаги “Уложение” (Тузуқлар) 63 турдаги жиноят учун ўлим жазосини кўзда тутган. Пётр I қонунларида эса бундай жиноятлар тури икки баробар кўпайтирилган, ҳатто дуб дарахтини кесгани учун дехқон қатл қилинган. Отасининг бу

аёвсизлигидан таъсирланган Елизавета, агар тахтга чиқса, одамларни қатл қилишга чек қўйиши тўғрисида оғтириб берган. У 1741 йили тахтга ўтириб, қарийб уч йилдан сўнг ўлим жазосини бекор қилади, яна уч йил ўтириб, барча илгари ўлимга маҳкум этилганларни сургун қилиш ёки бошқа жазолар билан алмаштириш ҳақида фармойиш беради.

Умуман, ўлим жазосидан воз кечиш барча мамлакатларда тобора муттасил йўналиш тарзида намоён бўлмоқда. Ижтимоий фикр ҳам бу йўналишни қўлламоқда.

Жуда кўп амалий материаллар асосида немис олими К.Миттермайер ўлим жазосининг ижтимоий жиҳатларини, хусусан уни аҳоли наздида ижро этиш ўта зарарли эканини ишонарли даражада исботлаган. Яна бир немис олими Гетцель ўлим жазосига оид маълумотлар асосида бу жазо адолатсизлик тимсоли ва ноақлликдан иборат ваҳшийликдир, деган хулосага келган. Бу жазони қўллаш тарафдорлари ёзган илмий асарлар деярли йўқ. Аммо ўлим жазоси ва уни қўлланишига оид қонунчилик қадимдан ўта мушкул маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу ҳақда бири-биридан ишончли чуқур мулоҳазалар билан асосланган уч йўналишдаги ғоялар мавжуд. Бири – ўлим жазосини инсон ҳуқ-ахлоқига ўта зид ва мақсадга мувофиқ бўлмаган чора эканини исботлаб, уни дарҳол бекор этилишини талаб қилади. Иккинчиси – ўлим жазосига жамиятнинг осойишталигини унга жиддий раҳна солувчи хавфдан муҳофазаланиш учун шахснинг ҳуқуқини чеклаш етарли бўлмаганида уни жисмонан йўқ қилиш деб қарайди. Учинчиси ҳам ўлим жазосини зарур деб ҳисобласада, уни тобора кам қўллаш ва пировард натижада аста-секин бекор қилишни тавсия қилади.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларда ҳам ўлим жазосини сақлаб қолиш тарафдорлари одатда 60-70 фоизни ташкил этади. Кундалик ҳаётимизда баъзи одамлар арзимас гуноҳ ёки ахлоқсизлик қилган шахсни ҳам “ўлдириш керак”, деб ғазабланадилар. Ваҳоланки, бировни ҳаётдан маҳрум қилишдек ўта мураккаб масалани асло ҳиссиёт заминида ҳал этиш ярамайди. Шунга қарамай, бир қанча мамлакатларда ўлим жазоси намоёнишкорона ижро этилмоқда. Ҳозирда бу жазо отиш, оситиш, тошбўрон, бошини танасидан жудо қилиш, захарлаш, инъекция ва электр кучи воситасида ижро этилмоқда. Баъзи мамлакатларда маҳкумларнинг ота-она, боба-бувилари, фарзандлари, невараларини ҳам қатл этиш ҳоллари учрайди.

БМТ 1988 йилда ўтказган тадқиқот ўлим жазони бошқа жазоларга қараганда жиноятчиликни олдини олишга кўпроқ таъсир этади, деган хулоса нотўғри эканини тасдиқлади. Жумладан, Канадада ўлим жазоси бекор қилинган 1975 йилда у 100 минг аҳолидан 3,09 кишини, 1980 йилда 2,41, 2002 йилда – 1, 85 кишини ташкил этган.

Машҳур маърифатпарвар Чезаре Беккарианинг хулосалари таъсирида биринчи бўлиб ўлим жазосини Австрияда 1787 йилдан батамом бекор қилинган ва 1796 йилда давлатга хоинлик учун қўлланишига йўл қўйилган. Англияда ўлим жазоси 160 хил жиноятлар учун назарда тутилган эди, шундан фақат 7 хил жиноят учун сақланди, 1741 йилдан бошлаб амалда фақат одам ўлдириш учун қўлланадиган бўлди. Худди шу йили АҚШда биринчи бўлиб Мичиган

штатида ўлим жазоси батамом бекор қилинди. Ўшандан буён 160 йил ичида яна 11 штатда ўлим жазосини батамом бекор қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган.

Италияда ўлим жазоси XVIII аср охиридан буён тўрт марта бекор қилиниб, яна “миллат маърифатли ва ахлоқи юксак бўлганигача зарурий мудофаа тарзида керакли” деб ҳисобланиб, қайта тикланган. Бу мамлакатда ўлим жазоси 1889 йилда бекор қилинган, лекин 1926 йилдан 1947 йилгача баъзи жиноятлар учун қўлланиб, кейин батамом барҳам берилган.

Францияда ўлим жазоси берилиши мумкин бўлган жиноятлар тури 1913 йилда 12 тагача камайтирилган, 1981 йилда эса умуман бу жазо бекор қилинган.

Германияда ўлим жазоси 1949 йилда (ГДРда 1987 йилда) бекор қилинган.

Буюк Британияда 1830 йилдан бошлаб фақат қасддан одам ўлдириш учун ўлим жазоси назарда тутилиб, 1965 йилда буткул бекор қилинган.

Канадада ўлим жазоси 1976 йилда бекор қилинган, лекин бу жазо охириги марта 1962 йилда ижро этилган.

Қайд этиш жоизки, умуман, кейинги 20 йил давомида 50 давлат, шу жумладан, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Оврўпа давлатлари (Канада, Парагвай, Мексика, Туркманистон, Арманистон, Туркия, Греция, Кипр, Сенегал кабилар) бу жазодан воз кечдилар. Шу йилларда фақат 4 давлат (Непал, Филипин, Гамбия, Папуа-Янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин бу мамлакатларда ҳам амалда деярли қўлланмаган. Умуман, ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ярмидан кўпи қатл қилинмаган. Чунончи, 2004 йилда 64 мамлакатдаги судлар 7.395 жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган, лекин фақат 25 мамлакатда 3.797 кишига нисбатан у ижро этилган.

Афсуски, ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас.

Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Кейинги 30 йил мобайнида бу жазога маҳкум этилганлардан 121 киши айбсиз экани аниқланиб, ўлим камераларидан озод қилинган. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш жоизки, шўролар даврида суд ҳукми ва маъмурий тузилмаларнинг қарорлари, ҳатто олий раҳбариятнинг “розилиги” билан 800 мингга яқин хур фикрли шахслар “аксилинқилобий” жиноятларда айбланиб отиб ташлангани кишилик тарихидаги энг аянчли фожиадир.

Шундай қилиб, турли ажнабий мамлакатларда ўлим жазосининг тарихи, уни бекор қилишга йўналтирилган ҳозирги қўлланиш тажрибаси бу чорани жиноятчиликка қарши кураш амалиётидан батамом чиқариб ташлаш лозимлигини тасдиқлайди. XIX аср тан жазоларига барҳам берган эди, XXI аср ўлим жазосига чек қўйиши муқаррар.